ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ БУХОРО ФИЛИАЛИ

«ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ» факультети

«Сув хўжалиги ва мелиорация» кафедраси

«Ҳимояга рухсат берилди»
Кафедра мудири
доц. А.Жўраев _____
«_____»_____2014 й.

Бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: **“Нурафшон Коми Ниоган” сув истеъмолчилари уюшмасидан сув олувчи “Аббос Анвар” фермер хўжалиги ерларида суғориш сувидан самарали фойдаланиш.**

Бажарди: А.Абубакиров
Раҳбар: Э.Файзуллаев
Маслаҳатчи:

Бухоро – 2014

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ
БУХОРО ФИЛИАЛИ
(Олий ўқув юрти)

___***ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ***____ факультети_____СХ ва М ____ кафедраси
__*Сув хўжалиги ва мелиорация*__йўналиши____4__курс___2___гуруҳ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Сув хўжалиги ва мелиорация»
кафедра мудири
_____доц. **А.Жўраев**
«___»_____2014 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____Абубакиров А.А_____
(фамилия, исми, отасининг исми)

1. Битирув ишининг мавзуси “Нурафшон Коми Ниоган” сув истеъмолчилари уюшмасидан сув олувчи “Аббос Анвар” фермер хўжалиги ерларида суғориш сувидан самарали фойдаланиш.

Институтнинг "11"__12___2013_й. №_313_А/ф___**сонли буйруғи билан тасдиқланган.**

2. Битирув ишини топшириш муддати . 01.06.2014 й.

3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар. Фермер хўжалигининг бош плани, обьектнинг табиий иқлим шароитлари, ирригация тизими ҳақида маьлумотлар

4. Ҳисоблаш – тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйҳати). Кириш, фермер хўжалиги жойлашган ҳудуднинг

табиий-иқлим шароитларини ёритиш, ер фонди ҳисоби, суғориш усули ва техникасини танлаш, қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш режимини қабул қилиш, ҳисобий сув сарфларини ҳисоби, каналларнинг гидравлик ҳисоби, ГМ ишларини ташкил этилиши, ХФХ, табиатни мухофаза қилиш, иқтисодий ҳисоблар

5. Чизма ишлари рўйҳати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади) .

1. Фермер хўжаликнинг бош режаси
2. Келтирилган гидромодул графиги чизмаси
3. Нов каналлари қурулиши технологияси
4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги чизмаси

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчилар:

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф.и.о.	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1.	Умумий қисм Техник қисм		03.03.2014 й	03.05.2014 й
2.	ГМИТҚ	И.С. Хасанов	05.05.2014 й	14.05.2014 й
3.	ХФХ	С.Жўраева	14.05.2014 й	16.05.2014 й

7. Битирув ишини бажариш режаси:

№	Битирув иши босқичларининг номи	Бажарилиш муддати (сана)	Бажарилганлиги тўғрисида имзо
1	БМИ бўйича маьлумотлар тўплаш, Кириш	03.03.2014 й.	
2	Умумий қисмни ёритиш	14.03.2014 й.	

3	Ер фонди ҳисоби	20.03.2014 й.	
4	Суғориш усули ва техникасини танлаш	28.03.2014 й.	
5	Қ ишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш режимини қабул қилиш	04.04.2014 й.	
6	Суғориш тармоқларининг сув сарфлари ҳисоби	08.04.2014 й.	
7	Каналларнинг гидравлик ҳисоби	11.04.2014 й.	
8	Каналларнинг бўйлама профили	16.04.2014 й.	
9	Каналларнинг кўндаланг ва бўйлама қирқимлари	18.04.2014 й.	
10	Ҳаёт фаолияти ховфсизлиги	23.04.2014 й.	
11	Табиатни мухофаза қилиш	25.04.2014 й.	
12	Иқтисодий қисм	29.04.2014 й.	
13	БМИ ни расмийлаштириш	02.05.2014 й.	

Битирув иши раҳбари __ Э.Файзуллаев_____

Топшириқни бажаришга олдим ___Абубакиров А._____

Топшириқ берилган сана _____й.

Мундарижа

	Кириш.....	5
I	УМУМИЙ ҚИСМ.....	10
1.1	Хўжаликнинг жойлашган урни	10
1.2	Хўжаликнинг иқлими-шароитилари.....	10
1.3	Гидрогеологик шароити.....	13
1.4	Тупроқ-мелиоратив шароити.....	13
1.5	Хўжаликнинг ҳозирги суғориш тармоқлари ҳолати.....	14
	Хулоса	15
II	ТЕХНИК ҚИСМ.....	18
2.1	Хўжаликнинг лойиҳавий ер фонди ҳисоби.....	18
2.2	Хўжалик ҳудудини ташкил қилиш ва экин далаларини жойлаштириш……	20
2.3	Суғориш усули ва суғориш техникаси элементларини танлаш….....	21
2.4	Қишлоқ хўжалик экинларини суғориш режимини белгилаш ва келтирилган гидромодуль ҳисоби.....	25
2.5	Суғориш тармоқларининг ҳисобий сув сарфларини аниқлаш.....	28
2.6	Новли ва эгилувчан қувурли суғориш тармоқларининг ҳисобий сув сарфларини аниқлаш.....	32
2.7	Новли суғориш тармоқларининг гидравлик ҳисоби.....	33
2.8	Эгилувчан суғориш қувурининг гидравлик ҳисоби.....	36
III.	ГМ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.....	40
IV.	ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ.....	53
V.	ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ.....	56
VI.	ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ.....	58
	Хулоса.....	68
	Фойдаланилган манбалар рўйҳати.....	71
	Интернет маълумотлари.....	73

Кириш.

Мустақил Ўзбекистон Республикасидаги худудида сув ҳаёт манбаи сифатида қадирланган, тирикчиликнинг биринчи омили саналган, уни муқаддас билиб асраб авайлаб, тежаб тергаб сарфланган. Бу қарашлар ўз мақсадини бугун ҳам йўқотган эмас.

Дар ҳақиқат мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигига нисбатан ишлаб чиқаришни сувусиз тасаввур этиш мумкин эмас. Шунинг учун сувдвн мақсадли тежаб – тергаб фойдаланиш ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида яна ҳам долзарб бўлиб турибди. Чунки қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий қисми бўлган пахта, ғалла ва бошқа махсулотларни етиштириш бевосита сув таъминоти билан чамбарчас боғлиқ.

Республикамизда фойдаланиладиган сувнинг кўп қисми қўшни давлатлар худудларидан олиб келинади.

Республикада фойдаланиладиган сувнинг 85 фоизи қишлоқ хўжалигида ишлатилади.

Республиканинг сув хўжалигида муҳим ўзгаришлар юз беради.

Сув ресурсларини маъмурий – худудий бошқариш принципидан ҳавза бошқариш принципига ўтказилди .

Қишлоқ хўжалик комплексида қайта қуриш жараёни 3 йўналиш бўйича амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш мамлакатнинг асосий иқтисодий муаммоси бўлиб., халқ моддий фаровонлигининг бундан буёғига юксалишини шу муаммо ҳал этилишига боғлиқдир.

Мамлакат сув хўжалигини бошқаришнинг тубдан янги шакли бўлиш ирригация тизимлари ташкил қилинади.

Шунингдек жойларда сув истеъмолчиларига бевосита сув еткадзиб бериш билан шуғулланадиган нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, ва сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ҳар томонлама ривожлантирилмоқда.

Шунингдек жойларда асосий сув манбаларига қараб 10 та ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари тузилиб манбалардан сув ресурсларини истеъмолчиларга тақсимлаш ва етказиб беришни ўз зиммаларига олдилар.

Амалиёт тажрибалари кўрсатишича ҳозирги кунда сув хўжалиги билан боғлиқ ташкилий иқтисодий муаммолар ўз ечимини кутилмоқда. Жумладан: Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг моддий – техника базаси эскирганлиги ва етарли миқдорда техника воситаларига эга эмаслиги хўжаликлараро каналларни техник жихатларидан талаб даражасида сақлаш имконини бериляпти. Ирригация тизимлари бошқармаларига давлат бюджетидан етарли миқдорда маблағ ажратилмаётганлигини уларнинг асосий фондларини тўлдиришга тўсқинлик қилмоқда, соҳага талаб қилинаётган инвестиция маблағлари ҳам мавжуд талабини қаноатлантирмаяпти. Сув танқислиги йилидан – йилга купайиб бораётган шароитда суғоргичнинг илғор усуллари ва технологичлари ҳамон тажриба – синовларидан нарига ўтмаяпти. Шуларни эътиборга олган ҳолда, мамлакатимизда мавжуд сув ресурслари манбаларидан самарали фойдаланиш. Суғоришнинг илғор усули ва техналогияларини ишга жорий этиш; сув танқислигини шароитларига мос ҳолда қишлоқ ҳўжалик экинларини таркиби қайта кўриб чиқиш.

Президентимиз И.Каримов 2014 йилни " Соғлом бола йили " деб эълон килинганлиги муносабати билан мамлакатимизда жисмоний соғлом, маънавий етук, хар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустакил фикрлайдиган, интеллектуал салохиятга, чукур билим ва замонавий дунёкарашга эга, Ватанимизнинг такдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш вазифасини изчил давом эттириш учун аник мақсадга қаратилган кенг кўламдаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини шу йўлда сафарбар этиш максадида амалга оширилади.

" Соғлом бола йили " Давлат дастурининг максади ва вазифаларини, уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва чора-тадбирларини аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг ёритилиши лозимлиги келтирилган.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг жорий йилнинг 18 январдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида 2013 йилда Республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари тўғрисида Вазирлар Махкамаси кайд этадики, глобал иктисодиётда жиддий муаммолар сакланиб колаётганлигига карамай, 2013 йилги иктисодий дастурнинг энг мухим устувор вазифаларини амалга ошириш натижасида иктисодий ривожланишнинг баркарор юкори суръатлари, макроиктисодий мутаносиблик, ахоли хаёт даражасининг баркарор ўсиши ва мамлакатнинг жахон бозоридаги мавкеини мустахкамлаш таъминланди.

Ялпи ички махсулот 8 фоизга, саноат махсулоти ишлаб чикариш хажми - 8.8 фоизга, кишлок хўжалиги маҳсулотлари хажми - 6.8 фоизга, чакана товар айланмаси хажми - 14.8 фоизга ўсди. Инфлястия суръатлари режалаштирилган даражада сақланди ва 6.8 фоиздан ошмади.

Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0.3 фоиз микдорида профистит билан ижро этилди. Ижтимоий сохани ривожлантиришга барча харажатларнинг 59.3 фоизи йўналтирилди. Бюджет ташкилотлари ходимлари иш хаки, пенсиялар, нафакалар ва стипендиялар бир йилда ўртача 20,8 фоизга, ахолининг реал даромадлари эса - 16 фоизга ўсди.

Ялпи ички махсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этган асосий капиталга инвестистиялар хажмининг ошиб бориши иктисодиёт ўсиши баркарор юкори суръатларининг ва унинг тузилмаларини диверсификастиялашнинг асосий манбаи бўлди.

Экспорт хажми 10.9 фоизга ўсди, ташки савдо айланмасининг ижобий салдоси 1.3 миллиард доллардан ортик микдорда таъминланди.

Ишбилармонлик мухитини янада тубдан такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди - 80 та рухсат берувчи тартиб-коидалар, фаолиятнинг 15 турини листензиялаш бекор килинди, статистика, солик хисоботини ва бошка хисоботларни такдим этиш шакллари ва даврийлиги 1,5-2 бараварга кискартирилди. Ялпи ички махсулотда кичик бизнес улуши 55.8 фоизгача ўсди орти хажми эса 2,2 миллиард доллардан ортик бўлди.

Дарҳақиқат мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигига нисбатан ишлаб чиқаришни сувсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Шунинг учун сувдан мақсадли тежаб – тергаб фойдаланиш ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида яна ҳам долзарб бўлиб турибжди. Чунки қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий қисми бўлган пахта, ғалла ва бошқа маҳсулотларни етиштириш бевосита сув таъминоти билан чамбарчас боғлиқ.

Республикамизда фойдаланиладиган сувнинг кўп қисми қўшни давлатлар худудларидан олиб келинади. Республикада фойдаланиладиган сувнинг 90-92 фоизи қишлоқ хўжалигида ишлатилади. Сув ресурсларини маъмурий – худудий бошқариш принципидпн ҳавзавий бошқариш принципига ўтказилади. Қишлоқ хўжалик комплексида қайта қуриш жараёни 3 йўналиш бўйича амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш мамлакатнинг асосий иқтисодий муаммоси бўлиб, халқ моддий фаровонлигининг бундан буёғига юксалишини шу муаммо ҳал этилишига боғлиқдир. Мамлакат сув хўжалигини бошқаришнинг тубдан янги шакли бўлиш ирригация тизимлари ташкил қилинади. Шунингдек жойларда сув истеъмолчиларига бевосита сув еткадзиб бериш билан шуғулланадиган нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, ва сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ҳар томонлама ривожлантирилмоқда. Шунингдек жойларда асосий сув манбаларига қараб 10 та ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари тузилиб манбалардан сув ресурсларини истеъмолчиларга тақсимлаш ва етказиб беришни ўз зиммаларига олдилар.

Амалиёт тажрибалари кўрсатишича ҳозирги кунда сув хўжалиги билан боғлиқ ташкилий иқтисодий муаммолар ўз ечимини кутилмоқда. Жумладан:

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг моддий–техника базаси эскирганлиги ва етарли миқдорда техника воситаларига эга эмаслиги хшжаликлараро каналларни техник жихатларидан талаб даражасида сақлаш имконини бериляпти. Ирригация тизимлари бошқармаларига давлат бюджетидан етарли миқдорда маблағ ажратилмаётганлигини уларнинг асосий фондларини тўлдиришга тўсқинлик қилмоқда, соҳага талаб қилинаётган инвестиция маблағлари ҳам мавжуд талабини қаноатлантирмаяпти. Сув танқислиги йилидан–йилга купайиб бораётган шароитда суғоргичнинг илғор усуллари ва технологичлари ҳамон тажриба–синовларидан нарига ўтмаяпти. Шуларни эътиборга олган ҳолда, мамлакатимизда мавжуд сув ресурслари манбаларидан самарали фойдаланиш. Суғоришнинг илғор усули ва техналогияларини иш ишга жорий этиш; сув танқислигини шароитларига мос ҳолда қишлоқ ҳўжалик экинларини таркиби қайта кўриб чиқиш.

Ирригация тизимлари бошқармасини ва сув истемолчилари уюшмаларининг моддий–техника базасини мустахкамлаш мақсадида уларни жалб қилиш, уларни самарадорлигини таъмирлаш ва ниҳоят сув ресурсларини ифлосланишининг олдини олиш бўйича қатъий вазифаларни ишлаб чиқиш давр тариқасига айланмоқда.

Булар барчаси, иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий–иқтисодий асосларини такомиллаштиришига тубдан янгича ёндошишни тақозо этиб, ўта долзарб вазифа сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кундаги сув хўжалиги олдидаги вазифа-башорат қилинадиган сув танқислигининг ўсишини олдини олиш, унинг таъсирини максимал камайтириш бўйича чора–тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни зудлик билан амалга ошириш. Бу муаммоларни ижобий ечишда мазкур лойихада ишлаб чиқилган тадбирлар ўз хиссасини қўшади.

« Аббос Анвар » фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирилиб келинмоқда. Хўжалик ички суғориш тизимининг фойдали иш

коэффициенти 0,66 ни ташкил этади. Хўжаликда ердан фойдаланиш коэффииенти 0,80 ни ташкил этади. Базан суғориш далаларида суғориш техникаси элементлари амалда нотўғри танланганлиги, суғориш техникасининг яхши эмаслиги тупроқ эрозмясига сабаб бўлмоқда. Ушбу муаммони ечиш учун « Аббос Анвар » фермер хўжалигининг майдонини ва суғориш тармоқларини қайта тузиш такомиллаштириш орқали суғориш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш Битирув малакавий ишимнинг асосий мақсади ҳисобланади.

I. УМУМИЙ ҚИСМ.

1.1. Фермер хўжалигининг жойлашган ўрни

Вобкент тумани Бухоро вилоятининг шимолий қисмида жойлашган, Шимолий ғарб томонидан Пешку, Шофиркон туманлари, жанубий шарқдан Навоий вилояти Қилилтепа тумани, Когон туманлари, жануб томонидан Бухоро тумани, Шимолий шарқдан Ғиждувон тумани, жанубий ғарбдан Ромитан тумани билан чегараланган бўлиб, ер майдонининг асосий қисми экин ери ва яйловлардан иборатдир.

1.2. Хўжаликнинг иқлим-шароитлари.

Фермер хўжалигининг иқлим шароити континентал бўлиб, ҳаво ҳарорати йил давомида кескин ўзгариб туриши билан ажралиб туради, ёзи қуруқ иссиқ, қиш фасли эса қисқа, қаттиқ совуқ кунлар деярли кам бўлади, ёғин-сочин айтарли кўп эмас. Йил давомида бўладиган ёғингарчиликларнинг қарийб 60 фоизини йилнинг январ ойидан, апрел ойининг охиригача бўлган ёғингарчиликлар ташкил қилади. Туманда иқлимнинг асосий фактори ҳисобланган шамол айтарли бутун йил мобайнида эсиб туради, шамол йўналиши асосан жануб ва жанубий шарқ томонга бўлади. Айрим ҳолларда шамолнинг тезлиги секундига 18-20 метрни ташкил қилади. Вобкент тумани шароитида иқлимнинг юқорида қайд этилган хусусиятлари яъни ҳавонинг қуруқ келиши ва ёз ойларида жуда иссиқ бўлиши, ёғин-сочинни жуда кам бўлиши, ер юзасига яқин жойлашган таркибида минерал тузлари кўп бўлган ер ости сувларининг буғланиб кетишини бирмунча тезлаштиради, транспирацияга сарфланадиган сув миқдори кўпаяди, бу эса ўз навбатида шўрланишга мойил бўлган ерларнинг қайта шўрланишига олиб келади.

Июлда ҳавонинг ўртача ҳарорати ҳудуд бўйича шимолда 26 0С дан жанубда 30 градус гача ўзгаради, максимал ҳарорат 45-60 ^{0}С га етади. Январнинг ўртача ҳарорат шимолда -8 ^{0}С ва жанубда 0 ^{0}С гача тушади, Минимал ҳарорат -18 ^{0}С етади.

Хўжаликнинг ҳудуди турли ҳаво массаларининг кириб келиши учун очиқдир. Шимол, шимолиғарб ва ғарбдан кенг текисликларга ўзгарган атлантик ва совуқ орктик ҳаво массалари кириб келади. Қиш давридаги интенсив исишлар жанубий циклонларнинг илиқ секторида тропик ҳаво массаларининг кириб келиши билан юзага келади. Совуқ ярим йилликда унинг интенсивлиги ортади ва циклон фаолияти кучаяди. Циклонлар об-ҳавонинг кескин ўзгаришини келтириб чиқариб, хўжаликни кесиб ўтади.

Текисликда ёғинлар асосан қиш-баҳор даврига тўғри келади. Ёзда чўлларнинг кучли исиб кетган майдони устида ўта қуруқлиги билан ажраладиган тропик континентал ҳаво вужудга келади. Бу ерда ёғинлар жуда ҳам кам (йилига 80-200 мм оралиғида), ёғинларнинг максимал миқдори март-апрелда тушади. Ёғинларнинг ўзгарувчанлиги жуда катта бўлиб, йиллик ёғин миқдорларининг вариация коэффициентлари 0,5 га етади.

1.2.1-жадвали. Хўжаликнинг иқлим кўрсатгичлари

(“Бухоро” кузатув маркази маълумотлари)

Кўрсаткич-лар	**Ойлар**												**Ўртача йиллик**
	I	**II**	**III**	**IV**	**V**	**VI**	**VII**	**VIII**	**IX**	**X**	**XI**	**XII**	
Ҳавонинг ҳарорати ^{0}C	0,1	3,0	8,6	16,6	23,4	27,9	29,6	27,6	21,6	14,2	7,0	1,9	15,1
Ҳавонинг нисбий намлиги, %	7	18	31	100	198	285	300	270	205	120	53	18	49
Нам танқислиги, мм	7	18	31	100	198	285	300	270	205	120	53	18	1605
Ёғингарчилик, мм	17	20	28	25	15	1	1	0	0,1	4	9	12	132

1.3. Гидрогеологик шароити.

Туман суғориладиган ер майдонларининг гидрогеологик мелиоратив шароити ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, вилоятнинг жанубий туманлари сингари бир мунча мураккаб ҳисобланади.

Вобкент туманида гидрогеологик мелиоратив шароит, асосан ер ости сизот сувлари гидро ҳамда гидрокимёвий режимига боғлиқ бўлиб, суғориладиган ер майдонлари “Зарафшон” дарёсининг қуйи қисмида жойлашганлиги сабабли, мураккаб ҳисобланади.

Туманнинг айниқса, ўрта ва қуйи қисмларида сизот сувларининг ер ости ҳаракати секинлиги ва уни ер юзасига яқин жойлашганлиги сабабли мелиоратив вазият ўта оғир ҳисобланади. Ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши ва иссиқ кунларнинг кўп булиши ер юзасига яқин жойлашган сизот сувларини эвакотранспирацияга кўп сарфланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида аэрация қисмида туз миқдорини кескин ошишига сабаб бўлади. Оқибатда суғориладиган майдонларда шўрланиш қайта тикланади. Гидрометео хизматининг кузатувлари бўйича туман ҳудудида буғланишга сарфланган сувнинг бор йўғи 10 фоиз қисми атмосфера ёғин - сочинларини ташкил этади, холос. Шу сабабли деҳқончиликда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл - кўл ҳосил етиштиришнинг асосий омилларидан бири суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувини олдини олишдан иборатдир.

Суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатидан келиб чиқиб, асосий мелиоратив тадбирлар амалда ҳолати табиий ёмон ерларда, юза нишаблиги кичик, табиий дренажлик хусусияти паст ва ер ости сизот сувларининг ҳаракати секин бўлган ерларда биринчи навбатда қўлланилади. Вобкент тумани ҳудудида ер юзаси геологик жиҳатдан “Тўртламчи” давр ётқизиқлари билан қопланган “ Полезой”, “Мезозой” даврининг денгиз ва қуруқлик чўкиндиларидан иборатдир. Ер ости сизот сувлари ҳаракати давомида бутун суғориладиган майдонларда ирригация шахобчалари ва ерларга бериладиган сувлар ҳисобига тўйина боради, шу сабабли айрим

ерларда ирригацион – сизот сувлари ҳисобига фильтрация зоналари ҳосил бўлади. Сизот сувлари сатҳининг чуқурлиги суғориладиган майдонларга бериладиган оқава сувлар миқдорига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради, бундан ташқари сизот сувлар сатҳининг ўзгаришига чуқурда жойлашган ер ости сувларининг босими ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Туманда ер ости босимли сувлари суғориладиган майдонлар ташқарисидан оқиб келадиган сизот сувлари ҳисобидан ҳосил бўлади. Сизот сувларида босимни ҳосил бўлишига асосий сабаб суғориладиган ерлар ҳудудига ер остидан оқиб келадиган сизот сувларини чиқиб кетадиган сизот сувлари миқдоридан анча кўплигидир.

Суғориладиган ерларда ирригация ва мелиорация шахобчалари сунъий сув босими системаси бўлиб хизмат қилади. Суғориш маълум масофада сизот сувларида қўшимча босим ҳосил қилади, бу босим 1,0 м ва ундан ҳам юқори бўлиши мумкин, бу босим шағал қатлами ва улар устида ётган майда заррали жинслардаги ер ости сизот сувлари сатҳининг фарқидан иборатдир. Бу ҳодиса суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ўзгаришида муҳим роль ўйнайди. Ер ости босимли сувлар сатҳини, сизот сувлари сатҳидан 1,0 м дан юқори бўлиши ерларда мелиоратив вазиятни янада оғирлашувини тезлаштиради.

Сизот сувлари гидрорежимини бир текисда сақлаб туришда асосан зовур - дренаж тармоқларининг доимий ишчи ҳолатда бўлиши, шунингдек сизот сувларининг ер ости ҳаракати муҳим роль ўйнайди. Вобкент туманининг ўрта қисмида сизот сувлари оқими “Марказий Бухоро ” зовури томон бўлади. Туман ҳудудининг бу қисмида ер нишаблиги ва ер ости сизот сувлари оқим йўналиши нисбий баландлиги ҳисобидан айнан “Марказий Бухоро ” зовури томон йўналган. “Марказий Бухоро ” зовури бу ҳудуд учун табиий дренажлик вазифасини ўтаб келади.

Сизот сувининг сатҳининг ўзгариши бўйича режим ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у йилнинг ҳар-хил вақтида турли чуқурликларда бўлади.

Бу ўзгаришлар қатор йиллар давомида айтарли бир хил бўлади. Даврий жойлашуви ва уни вужудга келиши бўйича сизот сувининг сатҳини Вобкент туманида унинг ўзгариш амплитудасини ҳисобга олган ҳолда икки хил даврий режимга ажратиш мумкин.

1. Сизот сувининг биринчи хил даврий режими баҳорги ёзги максимум ва кузги – қишги минимум билан характерлидир. Сизот сувининг сатҳини максимал чуқурлиги 3,0 – 5,0 м. ни ташкил қилади.

Режимнинг бу тури “Марказий Бухоро ” зовурининг оқими бўйича ўнг томонига, туманнинг эскидан суғориб келинаётган ерларининг юқори қисмига тўғри келади.

2 . Даврий режимнинг иккинчи тури туманнинг ўрта ва жанубий қисмларига таълуқли бўлиб, баҳорги ёзги максимум ва кузги – қишги минимум билан характерлидир.Сизот сувининг максимум юқори жойлашуви 2,0 -2,5 метрни ташкил қилса, унинг минимал чуқурлик бўйича жойлашуви 2,5 – 3,5 м ни ташкил қилади. Сизот суви сатҳининг ўзгариши оралиғи 0,5 – 1,5 м га тенг бўлади.

1.4. Тупроқ мелиоратив шароити.

Бухоро вилоятининг суғориладиган ерлари сахро минтақасига хос бўлиб, қадимдан суғориладиган ўтлоқи аллювиал, ўтлоқи-сахро ва ўтлоқ-тақирли, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар кенг тарқалган.

Тақир-ўтлоқи тупроқлар тарқалиш майдони бўйича ўтлоқи аллювиал тупроқлардан кейин иккинчи ўринда туриб, бу тупроқлар майдони 49,3 минг гектарни ташкил қилади. Бу тупроқлар вилоятнинг рельеф бўйича юқори қисмларини ўз ичига олади, шунингдек бу тупроқлар ўтлоқи-аллювиал тупроқлар таркибида гумус миқдори 0,5-0,8% ни ташкил қилиб, умумий азот 0,04-0,8 % фосфор эса 0,8-0,14 % ни ташкил этади.

Вилоят тупроқларининг механик таркиби хар хил бўлиб, тупроқ турлари бўйича 36,2-74,0% ўрта механик таркибли (Бухоро, Пешку, Ромитон, Ғиждувон, Когон Қоровулбозор туманлари).

Гинетик белгиларига кўра хўжалик худудининг тупроқлари гидроморф тупроқлар туркимига киради. Сизот сувларининг тупроқ ҳосил бўлиши ва шаклланиш жараёнига таъсири бор ҳисобланади. Тупроқлари эрозияга мойил ўтлоқи аллювиал тупроқлардан ташкил топган.

Вобкент туманида суғориладиган ер майдонларида қишоқ хўжалик экинлари ва ҳосилдорлигини ошириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини бир меъёрда сақлаб туриш учун туман бўйича 222,699 км узунликдаги зовурлар мавжуд шундан хўжаликлараро зовур узунлиги 113,39 км ва хўжалик ички зовурларининг узунлиги 109,309 км ни ташкил қилади.

Туман бўйича зовурларнинг 1 гектар ердан солиштирма узунлиги 10,3 ташкил қилади ва бу кўрсаткич зовурларда қурилган майдонда 15,1 п.м.н. ташкил қилади. Хўжаликлараро зовурларда 8 дона сув ўлчаш постлари мавжуд. Шундан 6 тасида сув ўлчаш кўприклари бор. Зовурларнинг сув сарфи ҳар 10 кунда бир маротаба ўлчанади.

Суғориладиган тупроқларни харакатчан фосфор билан таъминланганлик даражаси бўйича 5,7% майдон жуда кучсиз, 39,5% ўртача, 3,4% юқори ва 0,5% майдон жуда юқори таъминланган.

Мелиоратив кадастир маълумотларига қараганда, суғориладиган майдонларнинг 13 % ни (35,9 минг гектар) яхши ерлар, 73 % ни (202,0 минг гектар) қониқарли ва 14 % ни (37,0 минг гектар) қониқарсиз ерлар ташкил этади.

Ҳозирги вақтда вилоятда 275,1 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати қониқарсиз ерлар – 32,1 минг.га (11,5 %) бўлиб, бу аввало тупроқнинг шўрланиш даражаси юқорилиги ва ер ости сувларининг кўтарилиши билан боғликдир.

Суғориладиган ерларнинг 86,1 фоизи (236,9 минг га) турли даражадаги шўрланган ерлардир. Жумладан 3,1 % (8,4 минг га) ерлар кучли шўрланган, 22,5 % (62,0 минг га) ерлар ўртача шўрланган ва 60,5 % (166,5 минг га) ерлар

кам шўрланган ерлар тоифасига киради. Шўрланмаган ерлар 13,9 % (38,2 минг гектар)ни ташкил этади.

1.5. Хўжаликнинг ҳозирги суғориш тармоқларининг ҳолати.

Хўжаликнинг ҳозирги суғориш ташлама тармоқлари очиқ тупроқ ўзанли канал ориқлар ҳисобланади. Ариқлар йўналиши эгири бугури, кундаланг кесими ўлчовлари техник талабларга тўғри келмайди Хўжалик ички тармоқларидан муввақат тармоқларга сув тарқатиб бериш қулоқлари гидротехника иншоотлари кам таъминлаган, бу эса экинларга ўз вақтида керакли миқдорда сув сарфини етказиб беришни мураккаблаштиради. Хўжалик экин майдонларидан суғориш суви муввақат ва ўқ ариқлардан эгатларга берилади натижада суғоришга олинган сувнинг кўп миқдориинингисроф бўлиши ва катта нишабликка эга бўлган ерларда ирригаацион эрозия таъсирида тупроқ устки қатламининг ювилиб кетиши кузатилмоқда. Ҳозир хўжаликда ғўза ва кузги буғдой экинлари етиштирилади.

Т О П Ш И Р И Қ

1. Хўжаликнинг брутто майдони ***60.55 га***

2. Хўжаликнинг юритиш шакли йўналиши ***фермер хўжалиги***

3. Хўжаликнинг йўналиши ***пахтачилик-ғаллачилик***

4. Хўжаликда экиладиган экинларнинг таркиби:

а)_____***Ғўза***_____60_%_____

б)_____***Кузги бўғдой***_____40 %_____

в)_____***Такрорий экин (сабзавот)*** _____8 %_____

5. Ердан фойдаланиш коэффициенти **0,91**

6. Хўжалик ички хўжалик тизимлари ФИК **0,92**

7. Ҳосилдорлик:

а)_____***Ғўза***_____24 ц/га_____

б)_____***Кузги бўғдой***_____52,1 ц/га _____

в)_____***Такрорий экин (сабзавот)*** _256,9 ц/га _____

Раҳбар Э.Файзуллаев_____

II. ТЕХНИК ҚИСМ

2.1. Хўжаликнинг лойиҳавий ер фонди ҳисоблаш.

Вобкент тумани суғориш тармоқлари жойлашишининг харитасидан белгиланган чегера бўйича квадрат сеткалари ёрдамида “Аббос Анвар” фермер хўжалиги умумий ер майдонини аниқлаймиз:

$$\Omega_{ум} = 60.55 \text{ га}$$

Харитадаги шартли белгилрдан фойдаланиб, фермер хўжалиги худудида яроқсиз ерлар мавжуд ёки йўқлигини аниқлаймиз. Мазкур фермер хўжалиги худудида бундай ерлар 6.41 га бўлганлиги сабабли “брутто” ер майдони умумий ер майдонига тенг бўлади.

$$\omega^{бр}_{хўж} = \Omega_{ум} \cdot \omega_{яроксиз} = 60.55 - 6.41 = 54.14 \text{ га}$$

Брутто ер майдонига суғориш тармоқлари зовур-коллекторлар, йўллар дарахтзорлар, аҳоли яшаш жойлари, дала шийпонлари билан банд бўлган дахлсиз ерлар майдони хам киради.

Бевосита қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган, яъни суғориладиган “нетто” ер майдони қуйидагича аниқланади:

$$\omega^{нет}_{хўж} = \omega^{бр}_{хўж} \cdot \text{ЕФК}$$

бу ерда: ЕФК –ердан фойдаланиш коэффициенти.

Бу коэффициент қиймати хўжаликнинг ер майдонига ва ер юзаси рельефига боғлиқ қабул қилинади. Мазкур хўжаликнинг ер фонди ва рельефига боғлиқ ЕФК- нинг лойихавий қиймати $\text{ЕФК}_{лойиха} = 0{,}91$ деб қабул қиламиз (3.3 жадвал, 46-бет Практические занятия по СХГТМ) Қабул қилинган ЕФК-ти қийматига асосан фермер хўжалиги “нетто” ер майдони аниқлаймиз:

$$\omega^{нет}_{хўж} = 54.14 \cdot 0{,}91 = 49.28 \text{ га}$$

БМИ топшириғидаги хўжаликда етиштириладиган экин турлари ва уларнинг таркибига асосан хамда тупрокларнинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида хўжаликдаги суғориладиган нетто майдоннинг 60 %-га ғўза, 40 %

-га кузги буғдой, ва буғдойдан бўшаган 8 % майдонда такрорий экин (маккажўхори) етиштиришни режалаштирамиз:

1) ғўза экиладиган майдонни аниқлаймиз:

$$\omega_{гўза}^{нет} = \frac{\omega_{хўж}^{нет} \cdot \alpha_{гўза}}{100} = \frac{49.28 \cdot 60}{100} = 29.6 \text{ га}$$

2) кузги буғдой экиладиган майдон:

$$\omega_{буг}^{нет} = \frac{\omega_{хуж}^{нет} \cdot \alpha_{буг}}{100} = \frac{49.28 \cdot 40}{100} = 19.7 \text{га}$$

3) такрорий экин яъни маккажўхори етиштириладиган майдонни аниқлаймиз:

$$\omega_{макка}^{нет} = \frac{\omega_{хуж}^{нет} \cdot \alpha_{макка}}{100} = \frac{49.28 \cdot 8}{100} = 3.9 \text{ га}$$

Юқоридаги ҳисоб ишлари натижасига кўра хўжаликнинг экинлар бўйича ер фонди қайдномасини тузамиз.

2.1.1 жадвал. Хўжаликнинг экинлар бўйича ер фонди қайдномаси

№	Қишлоқ хўжалик экинларининг номи	“нетто” майдони, га	% ҳисобида
1	Ғўза	29.6	60
2	Кузги буғдой	19.7	40
	“нетто” майдон	49.28	100
4	Такрорий экин (маккажўхори)	3.9	8

2.2. Хўжалик ҳудудини ташкил қилиш ва экин далаларини жойлаштириш.

Хўжаликда қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган нетто ер майдони 49.28 гектарни ташкил қилади. Асосий экинларни етиштириш учун ҳар қайсисининг майдони 16.4 гектарга тенг бўлган 3 та экиндалаларини ташкиллаштирамиз. Хўжаликда ердан фойдаланиш коэффициентини

лойиҳадаги 0,91 га етказиш учун далаларни тўғри тўрт бурчак шаклида лойиҳалаймиз. Бу эса механизмларнинг иш унумдорлигини оширади ва экинларни биртекисда суғоришга имкон беради. Хўжаликдаги экин далаларига сувни етказиб бериш учун хўжалик ички, яъни фермер каналини (1-К), ҳар қайси экин даласига сувни етказиб бериш учун алоҳида шоҳариқ каналларини лойиҳалаймиз. Хўжалик ички суғориш тармоқларини лойиҳалашда уларнинг қуйидаги талабларини қаноатлантиришига эришиш керак:

- суғориш режасига мувофиқ экинларга сувни ўз вақтида етказиб бериш;
- ФИК ва ЕФК нинг энг юқори қийматларига эришишни;
- қишлоқ хўжалик машиналарининг юқори унум билан ишлатилишини;
- суғоришда юқори иш унумдорлигини;
- меҳнат ва ҳудудни тўғри ташкил қилишни;
- канал ва иншоотлардан самарали фойдаланишни.

Шунинг учун суғориш тармоқларини режада жойлашиши шундай бўлиши керакки, бунда хўжаликички тармоғи, яъни фермер канали хўжаликдаги бутун суғориладиган майдонларни сув билан таъминласин. Бундан ташқари, хўжалик ички тармоқларидаги сув ўлчаш иншоотлари хўжаликка ва суғориш далаларига бериладиган сув миқдорини ўлчаш имкониятини таъминлаши, тупроқ ювилишини олдини олиш, суғориш тармоғига режали сув беришни, суғориладиган майдонга сувнинг ўзи оқишини таъминлаш учун ернинг энг баланд нуқталаридан ўтиши, берилган шароитда энг кам узунликда ва тўғри йўналишда бўлиши керак.

Юқоридаги тавсия ва шартларга амал қилган ҳолда фермер хўжалиги ерлари рельефи, тупроқ-мелиоратив ва хўжалик шароитларини эътиборга олиб, ушбу хўжаликда суғориш тармоқларини яъни суғориш сувини тежайдиган фойдали иш коэффициенти (ФИК) юқори бўлган суғориш тизимини лойиҳа-лаймиз.

2.3 Суғориш усули ва суғориш техникаси элементларини танлаш.

Хўжаликнинг иқлим, тупроқ-мелиоратив, гидрогеологик, хўжалик шароитларида, хўжаликда етиштириладиган экинлардан мўлжалланган ҳосилни олиш учун сунъий суғориш жараёнини амалга ошириш зарур.

« Аббос Анвар » фермер хўжалиги ерларининг ўртача нишаблиги $i_{ўр}$ = 0,0018÷0,003 атрофида ўзгаради ва шамолнинг ўртача тезлиги 3,8 м/с.ни баъзи вақитларда 15-20 м/с ни ташкил қилади. Тупроқлари енгил қумоқ ва қумлоқли қатламлардан ташкил топган бўлиб, шўрланмаган, сизот сувлар сатҳининг жойлашиш чуқурлиги 2-3 м атрофида ўзгаради ва кам минералланган. Юқорида келтирилган маълумотларни ҳисобга олган холда фермер хўажлигида етиштириладиган экинларни суғориш учун оддий ва арзон суғориш усули ҳисобланган ер устидан эгатлаб суғоришни қўллаймиз. Хўжалик суғориладиган ерларига сув етказиб берувчи хўжалик ички тармоғи ва ва суғориш далаларига хизмат қиладиган шоҳариқларни новли каналлардан, эгатларга сув тарватиб бериш учун кўчма эгилувчан юмшоқ қувурларни лойиҳалаймиз. Бундай суғориш тизимида суғорш суви хўжаликичи тармоғидан шоҳарик нов каналига ва ундан сув туширгич иншоотлари ёки кўчма сифонлар ёрдамида эгилувчан юмшоқ қувурларга олинади ва қувурдаги найчалардан сув эгатларга берилади. Тупроқнинг эгат бошидан охиригача биртекис намланишини таъминлаш мақсадида эгилувчан қувурнинг кўндаланг кесим ўлчами ва сув сарфига боғлиқ қувур маълум нишабликда эгатлар бошига ётқизилади (МЧЖ “ЎзГИП” тавсияси).

Эгилувчан қувурлар ҳар хил мелиоратив матодан тайёрланган бўлиб, кўчма бўлади. Қувурга сув шоҳариқ нов каналидан сув туширгичлар ёки сифонлар ёрдамида олинади. Эгатларга сув тақсимлаш учун эгилувчан сув бериш қувурларнинг техник кўрсаткичларига асосланиб (3.12 жадвал, 79-бет, “Қишлоқ хўжалигида суғориш мелиорацияси” амалий ўқув дарслик), ТП-120, КОП-200 кўчма сув бериш қувурларидан бирини, суғориш техникаси элементлари ўлчам ва миқдорларига боғлиқ қабул қилинади.

Эгатлаб суғориш техникаси элементларига эгат узунлиг ($l_э$), эгат сув сарфи ($q_э$), эгат йўналиши бўйича нишаблик ($i_э$) ва эгатлараро масофа ($\alpha_э$) киради. Суғориш техникаси элементлари ўлчамлари, хўжаликдаги суғориладиган ерларнинг ўртача нишаблиги, тупроқнинг сув ўтказувчанлик хусусиятига ва дала юзасининг текислигига боғлиқ танланади.

“Аббос Анвар” фермер хўжалиги суғориладиган ерларининг ўратача нишаблиги $i_{ўр}$ = 0,001÷0,003 атрофида, тупроқлари механик таркиби ўрта қумоқ ва қумлоқ соз тупроқлар сув ўтказувчанлиги кучайган ва ўртача.

Ушбу шароит учун эгатлаб суғориш техникаси элементлари ўлчамларини Н.Т. Лактаев тавсиясига кўра (3.6 –жадвал , 70-бет, “Қишлоқ хўжалигида суғориш мелиорацияси”) олдиндан қуйидагича белгилаймиз:

1) эгат узунлиги - $l_э$ = 250 м
2) эгат сув сарфи - $q_э$ = 0,20 л/с
3) эгатлараро масофа - $\alpha_э$ = 0,6 м

Эгатларга сув беришда суғориш тармоқларининг бўйлама схема бўйича жойлаштириш усулини қўллаймиз. Бўйлама сув бериш тузилмасида эгатнинг нишаблиги суғориш майдонининг нишаблигига тенг бўлиб, эгатлар суғориш тармоғидаги шоҳариқ каналига ва ер горизонталларига нисбатан тик жойлашади. Намунавий суғориш даласида суғориш тармоғи, эгилувчан қувур ва эгатларнинг жойлашиш схемаси 2.3.1-чизмада берилган.



Шартли белгилар

- Хўжалик чегараси
- Фермер нов канали
- Шохарик нов канали
- Эгилувчан кувур
- Сугориш эгатлари
- Сув йигувчи зовур
- Очик зовур
- Дала йўли
- Ихота дарахтлари
- Горизонталлар
- Сув бериш иншоати
- Дюкер иншоати
- Сув ўлчагич
- Сув туширгич
- 5/19.2 - Навбатлаб экиш далалари тартиби, нетто майдони
- Сув туширгич иншоати

2.3.1- чизма. « Аббос Анвар » фермер хўжалигининг бош режаси

2.4. Қишлоқ хўжалик экинларини суғориш режимини белгилаш ва келтирилган гидромодул ҳисоби.

Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун ўсимликлар учун зарур бўлган асосий омилларга, яъни ёруғлика, иссиқликга, озуқа элементларига, ҳаво ва сувга бўлган талаб қондирилиши зарур. Ўсимлик учун асосий сув тупроқдаги намликдир.

Қурғоқчилик иқлим минтақаларида ёғингарчилик миқдори зарур бўлган тупроқ намлигини ҳосил қилмайди. Шунинг учун ўсимликларни сув билан таъминлаш катта аҳамият касб этади. Ўсимликларнинг физиологик хусусиятларига илдиз тизимининг ривожланиш қатламига ва ер усти аъзоларига боғлиқ равишда турли хил ривожланиш фазаларида тупроқнинг ҳар хил намланишини талаб этади ва бир хил миқдорда сув сарфланмайди. Шунинг учун экинларни суғоришнинг энг мақбул суғориш режимини қўллаш зарур. Мақбул суғориш режимини белгилаш бўйича илмий текшириш ва лойиҳалаш институтлари ва Республикадаги сув хўжалиги ташкилотлари шуғулланади. Улар томонидан Ўзбекистон Республикасининг турли хил табиий–иқлим минтақалари учун мақбул суғориш режими тавсия қилинган. Бу ҳудудлар тупроқларининг механик таркибига, сизот сувлар сатҳининг жойлашиш чуқурлигига ва сизот сувларининг таъминланиши шароитларига қараб гидромодул туманларига ажратилган. Гидромодул туманлаштириш қуйидаги омилларга боғлиқ:

а) суғориш майдонининг жойлашиши;

б) туманнинг иқлим шароитлари;

в) туманнинг сув билан таъминланганлиги.

Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар бўйича фермер хўжалиги жойлашган ўрнига кўра марказий (Ж-I) кенглик минтақасидаги эфемер дашт поясига (А, қўнғир ва типик қўнғир тупроқ шаклланган тупроқ–мелиоратив областига, сизот сувларининг таъминланиш шароитига қараб “в” – сиртга тепиш соҳасига (сизот сувларининг ҳудудга ташқаридан жадал келиши ва

ундан қийин чиқиб кетиши, улар ер юзасига барқарор яқин ётади) мансубдир. Тупроқ ҳосил қилувчи жинснинг литалогик таркибига (енгил қумоқ ва қумлоқ) ва сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига (1,9÷2,4 м) боғлиқ V гидромодул туманига қарашли. Демак фермер хўжалиги ерлари Ж-I -А- в-V гидромодул туманига киради. Ушбу гидромодул тумани учун қишлоқ хўжалик экинларини суғориш режимини МЧЖ “ЎзГИП”, кузги буғдой экинини суғориш режимини “Ғаллачилик ИИЧБ” тавсияларига кўра қабул қиламиз (2.4.1 жадвал).

Суғориш гидромодули қийматлари қуйидаги формула ёрдамида аниқланади

$$q_c = \frac{m}{86{,}4 \cdot t} \quad \text{л/с га}$$

бу ерда: m-қишлоқ хўжалик экинларини суғориш меъёри,л/с;

t-сув бериш даври, кеча-кундуз.

Келтирилган гидромодул қийматлари қуйидагича аниқланади;

$$\bar{q}_K = \frac{\alpha}{100} . q_c \qquad \text{л/с}$$

бу ерда: α -хар бир экиннинг хўжаликда экилган майдони фоизи.

3.4.1 жадвалдаги келтирилган гидромодул ҳисобий қийматларининг вегетация давомида ўзгариш графигини чизамиз ва графикдаги унинг энг катта (q_{max}) қийматини аниқлаймиз (2.4.1 чизма).

2.4.1 жадвал. “Анвар Муқсун” фермер хўжалигида етиштириладиган қишлоқ хўжалик экинларини суғориш режими М-II -А- в-V гидромодул тумани.

т/р	Экинлар номи	Мавсумий суғориш меъёри $м^3$/га	Суғориш даври	Кўрсаткич-лар	О й л а р								
					III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI
1	Ғўза α = 60%	6200	26.05-10.09	β, %			5	22	36	31	7		
				t, кун			5	30	31	31	20		
				m, $м^3$/га			310	1364	2232	1922	434		
				$q_с$, л/с га			0.72	0.53	0.83	0.72	0.25		
				$q_к$ л/с га			0.4	0.32	0.5	0.43	0.15		
2	Кузги буғдой α =40 %	6000	20.09-15.05	β, %	17	14	11				15	25	
				t, кун	31	30	15				15	31	
				m, $м^3$/га	1020	840	660				900	1500	
				$q_с$, л/с га	0.38	0.32	0.51				0.70	0.56	
				$q_к$ л/с га	0.15	0.13	0.2				0.28	0.22	
4	Такрорий экин (маккажухори) α =16%	4800	05.06-25.08	β, %				36	40	24			
				t, кун				25	31	25			
				m, $м^3$/га				1728	1920	1152			
				$q_с$, л/с га				0.8	0.72	0.53			
				$q_к$ л/с га				0.13	0.12	0.08			



2.4.1-чизма. Келтирилган гидромодуль графиги.

2.5.Суғориш тармоқларининг ҳисобий сув сарфи аниқлаш.

Фермер хўжалигининг қишлок хўжалик экинлари экиладиган *нетто* ер майдони 49.28 гектар бўлиб, хар қайсисининг майдони 16.4 гектардан 3 та суғориш далаларига бўлинган ва хўжали кички тармоғи яъни фермер каналидан (1–К) суғорилади (хўжалик бош режаси чизмаси).

Хўжаликнинг ер фонди ҳисобига асосан ва келтирилган гидромодулнинг унинг энг катта қиймати (q_{max}=0,84л/с га) бўйича хўжаликдаги экинларнинг энг кўп сув истъемоли даври учун белгиланган сув сарфи қийматинианиқлаймиз:

$$Q_{хўж}^{неттo} = \varpi_{хўж}^{нет} \cdot \bar{q}_{max}^{хис} = 49{,}28 \cdot 0{,}62 = 30.55 \text{ л/с}$$

бу ерда: $\varpi_{хўж}^{нет}$ - хўжаликнинг нетто майдони , га;

$\bar{q}_{max}^{хис}$ - келтирилган гидромодулнинг энг катта қиймати л/с га.

Хўжаликдаги экинларнинг минимал сув истъемоли даври учун сув савфи қийматини қуйидагича аниқлаймиз:

$$Q_{хўж}^{\min} = \varpi_{хўж}^{нет} \cdot \bar{q}_{\min}^{хис} = 49{,}28 \cdot 0{,}248 = 12.2 \text{ л/с}$$

бу ерда: $\bar{q}_{\min}^{хис} = 0{,}4 \cdot \bar{q}_{max}^{хис} = 0{,}4 \cdot 0{,}62 = 0{,}248$ л/с га

Доимий сув билан таъминланадиган майдонга бериладиган сув сарфлари аниқлангач, шоҳариқнинг сув сарфини аниқлаймиз. Шоҳариқнинг сув сарфини доимий сув билан таъминланадиган майдон сув сарфига тенг қилиб оламиз ва шоҳариқлар навбат билан ишлайди:

$$Q_{ш}^{нет} = \frac{Q_{ф/х}^{нет}}{n_{ш.а}^{I}} = \frac{30.55}{1} = 30.55 \text{ л/с}$$

бу ерда : $n_{ш.а}^{I}$ = бир вақтда ишлайдиган шоҳариқлар сони, дона

Шоҳариқнинг сув сарфи аниқ бўлгач, бу сув сарфи қийматини юқорида қабул қилинган суғориш усули ва суғориш техникаси элементлари билан боғлаймиз.

Бу усулда ер устидан эгатлаб суғорш усулининг шоҳариқ → муваққат ариқ → суғориш эгати тарзидаги суғориш тузилмасини қабул қиламиз.

Бундай суғориш тузилмасида муваққат тармоқларга қуйидаги талаблар қўйилади:

1) муваққат ариқдан суғориш муддати икки кундан ошмаслиги керак.

$$t_{м.а} = \frac{\varpi_{м.а} \cdot m}{86{,}4 \cdot Q_{м.а}} \le 2кун$$

бу ерда : $\omega_{м.а}$ – муваққат ариқдан суғориладиган майдон , га ;

$$\omega_{м.а} = \frac{\omega_{с.м}^{нет}}{n_{м.а}^{I}} = \frac{7.6}{2} = 3.8 \text{ га}$$

бу ерда: $n_{м.а}^{I}$ - битта навбатлаб экиш майдонидаги муваққат ариқлар сони, дона

m – асосий экин учун энг юқори суғориш меъёри , $м^3$/га;

$Q_{м.а}$- муваққат ариқ учун қабул қилинган сув сарфи , л/с.

Хўжаликда суғориш тармоқларини такомиллаштириш учун хамда хўжаликички суғориш тизимининг фойдали иш коэффициентини ошириш мақсадида очиқ муваққат тармоқ ўрнига ёпиқ тармоқ, яъни эгилувчан қувурларнинг техник кўрсаткичларига асосан (3.12- жадвал 79 бет. “Қишлоқ хўжалигида суғориш мелиорацияси” амалий дарслик) қувурнинг сув сарфини $Q_{кув}^{нет} = 30.55$ л/с деб қабул қиламиз.

Эгилувчан қувурдан суғориш муддатини ҳисоблаймиз:

$$t_{.эг.к} = \frac{3.8 \cdot 1000}{86{,}4 \cdot 30.55} = 1.4 кун < 2кун$$

2) муваққат ариқнинг сув сарфи шоҳариқ сув сарфи билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак:

$$Q_{м.а}^{нет} = \frac{Q_{ш.а}^{нет}}{n_{м.а}^{I}} > \frac{m \cdot \omega_{м.а}}{86{,}4 \cdot t_{м.а}}$$

бу ерда: $n_{м.а}^{I}$ - бир вақтда ишлайдиган муваққат ариқлар сони, дона

$$Q_{м.а}^{нет} = \frac{Q_{ш.а}^{нет}}{n_{м.а}^{I}} = \frac{30.55}{2} = 15.27 л/с$$

3) муваққат ариқнинг иш такти ва иш вақтини аниқлаймиз:

$М_{м.а} = \frac{n_{с.э}}{n^{I}_{с.э}}$ - яхлит сон бўлиши керак

бу ерда: $n_{с.э}$ –муваққат арықдан сув оладиган эгатларнинг умумий сони, дона

$$n_{с.э} = \frac{L_{м.а}}{\alpha} = \frac{63}{0,6} = 105 \text{ дона}$$

бу ерда: $L_{м.а}$ - муваққат арық ўрнида қўлланилган эгилувчан қувурнинг узунлиги , м;

α – эгатлараро масофа, м

Муваққат арықнинг иш вақти қуйидагича аниқланади:

$t_{м.а} = М_{м.а} \cdot t_{с.э} < 48$соат $\quad t_{м.а} = 2*17.1 = 34.3$ соат< 48 соат

$$t_{с.э} = \frac{0,1 \cdot m \cdot \ell_э \cdot \alpha}{3600 \cdot q_{эI}} = \frac{0,1 \cdot 1000 \cdot 60 \cdot 0,6}{3600 \cdot 0,14} = 17.1 \text{ соат}$$

бу ерда: $\ell_э$ - эгат узунлиги, м;

Юқорида бажарилган ҳисоблаш ишлари натижаларига кўра эгатлаб суғориш техникаси элементларининг параметрларини қуйидагича қабул қиламиз:

1) эгат узунлиги - $\ell_э$ =60 м
2) эгатнинг сув сарфи – $q_э$ = 0,14 л/с
3) эгатни суғориш вақти – $t_э$ =34.3 соат

Хўжаликда суғориш тармоқларини такомиллаштириш мақсадида фермер канали ва шоҳарықларни нов каналларидан муваққат арықлар ўрнига эгилувчан юмшоқ қувурни лойихалаймиз.

2.6. Новли ва эгилувчан қувурли суғориш тармоқларининг ҳисобий сув сарфларини аниқлаш.

1) Эгилувчан юмшоқ қувурнинг брutto сув сарфини аниқлаймиз:

$$Q^{бр}_{эг.кув} = \frac{Q^{нет}_{эг.кув}}{\eta_{эг.кув}} = \frac{15.3}{0,98} = 14.99 \text{ л/с}$$

бу ерда: $\eta_{эг.кув}$ - эгилувчан юмшоқ қувурнинг фойдали иш коэффициенти;

2) Шоҳариқ нов каналининг брутто сув сарфини аниқлаймиз:

$$Q_{Ш.А}^{бр} = \frac{Q_{Ш.А}^{нет}}{\eta_{ша}} = \frac{30.55}{0{,}97} = 29.63 л/с$$

бу ерда: $\eta_{ш/к}$ - шоҳариқ нов каналининг фойдали иш коэффициенти;

4) Фермер нов каналининг *брутто* сув сарфи:

$$Q_{ф/к}^{бр} = \frac{Q_{ф/к}^{нет}}{\eta_{ф/к}} = \frac{30.55}{0{,}97} = 29.63 \text{ л/с}$$

Ҳисоблаш ишлари натижалари асосида аниқланган хўжаликички суғориш тармоқларининг *брутто* сув сарфи қийматларини яхлитлаб оламиз:

$$Q_{ф/к}^{бр} = 15 \text{ л/с}$$

$$Q_{ш.а}^{бр} = 30 \text{ л/с}$$

$$Q_{эг.кув}^{бр} = 30 \text{ л/с}$$

2.7. Новли суғориш тармоқларининг гидравлик ҳисоби.

Новларнинг кўндаланг кесим юзаси асосан парабола шаклида бўлади ва кўндаланг кесим юзаси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\omega_{нов} = \frac{2}{3} \cdot B \cdot h_x \qquad м^2$$

бу ерда: h_x – новдаги сувниг ҳақиқий чуқурлиги, м ;

B - h_x – га мос келадиган сув юзасининг кўндаланг ўлчами , м.

Шоҳариқ ва фермер нов каналларининг гидравлик ҳисобини соддалаштирилган формулалар ёрдамида бажарамиз:

Нов каналидаги сувнинг ҳақиқий чуқурлиги қуйидагича аниқланади:

$$h_x = \frac{0{,}904 \cdot (n)^{1/2}}{P^{1/3}} \cdot \frac{Q^{1/2}}{I^{1/4}} = F \cdot \frac{Q^{1/2}}{I^{1/4}};$$

бу ерда:

$$Г = \frac{0{,}904 \cdot n^{1/2}}{P^{1/3}} = \frac{0{,}904 \cdot (0{,}015)^{1/2}}{(0{,}2)^{1/3}} = 0{,}189 м^2$$

$n = 0{,}015$ - новнинг ғадир будурлик коэффициенти;

$P = 0{,}2$ -парабола кўрсаткичи;

F –нинг қийматини n ва P -ларга нисбатан “Қишлоқ хўжалигида суғориш мелиорацияси” китобидан 154 бетдаги 4.15–жадвалдан қабул қиламиз. F=0,189м^2;

Шоҳарик нов каналидаги сувнинг хақиқий чуқурлигини аниқлаймиз:

$$h_{x(ш.а)} = F \cdot \frac{Q_{ш.а}^{бр^{1/2}}}{I_{ш.а}^{1/4}} = 0{,}189 \cdot \frac{(0{,}044)^{1/2}}{(0{,}0017)^{1/4}} = 0{,}22 \text{ м}$$

Шоҳарик нов каналиниг сув ўтаётган кесими юзасини аниқлаймиз:

$$\omega_{нов} = \frac{2}{3} \cdot B \cdot h_{x(ш.а)} = \frac{2}{3} \cdot 0{,}602 \cdot 0{,}22 = 0{,}088 \text{ м}^2$$

Шоҳарик нов каналидаги сув оқимининг ҳақиқий тезлигини аниқлаймиз:

$$\nu_{\delta} = \frac{Q_{ш.а}^{бр}}{\omega_{н}} = \frac{0{,}045}{0{,}088} = 0{,}51 \text{ м/с}$$

h_x – қиймати бўйича новнинг маркаси танланади :

$$H = h_x + \Delta h = 0{,}22 + 0{,}1 = 0{,}32 \text{м}$$

бу ерда : $\Delta h = 0{,}1$ м – сув сатҳидан юқориги эхтиёт баландлик.

Шоҳарик канали учун ЛР- 40 маркали новни танлаймиз.

Нов каналидаги сув оқимининг ҳақиқий тезлиги $\nu_{л.ч} < \nu_{хак} < 6{,}0 м/с$ ўртасида бўлиши керак.

бу ерда: $\nu_{л.ч}$ - лойқа чўкиш тезлиги бўлиб С.К. Абольянц формуласи бўйича қуйидагича аниқланади:

$$\nu_{л.ч} = 0{,}28 \cdot h_x^{1/4} \cdot (\rho \cdot U)^{1/3} = 0{,}28 \cdot (0{,}22)^{1/4} \cdot (0{,}26 \cdot 1{,}73)^{1/3} = 0{,}122 \text{ м/с}$$

бу ерда: ρ - сувнинг лойқалиги, кг/м^3
